

Халқлик Сўзи



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

28 июль, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 144 (1146)

Дўстона муносабатлар равнақи

В. ЧЕРНОМИРДИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



27 июль куни эрталаб Ўзбекистон Президентининг Дурмондаги қарорхонада давлатимиз раҳбари Ислам Каримов билан Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин ўртасида иккама-икка суҳбат бўлиб ўтди.

Ушбу учрашувдан сўнг Виктор Черномирдин Ислам Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий боғга ташриф буюриб, Ўзук шоирга эҳтиром билдирди. Унинг ҳайкали пойга гуллар қўйди.

Шу куни пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин раҳбарлигидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокара чогида Ўзбекистон раҳбари мамлакатимиз Россия билан азалий дўстлик ва ҳамкорлик анъаналарини тараққий эттириш тарафдори эканини таъкидлади.

— Биз Россияни буюк мамлакат, азият ва ишончли ҳамкор, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик кафили деб биламиз, — деди, жумладан Ислам Каримов. — Ҳамкорликни мустақамлаш мамлакатларимиз халқларининг ўтиш даври қийинчиликларини тезроқ енгишга қўмаклашди ҳамда улар учун фаровон турмуш шароитларини яратишга хизмат қилади.

Музокара чогида илгари имзоланган ҳужжатларда белгиланган ишларнинг қай даражада амалга ошириляёт-

ганига алоҳида эътибор қаратилди. Икки томон учун ҳам манфаатли бўлган кўпгина соҳаларда ҳамкорлик юзасидан талай тadbирлар белгиланди.

— Россия Ҳукумати Ўзбекистон билан алоқаларга биринчи даражада аҳамият беради, — деди Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин. — Биз мамлакатларимиз ўртасида шакланган хўжалик алоқаларини тиклабгина қолмай, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда муносабатларни янги асосда тараққий эттиришга интилоқдамиз.

Расмий делегация аъзоларининг ўзаро мулоқоти чогида икки томонлама, МДХ ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама алоқаларни мустақамлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атраофича фикрлашиб олинди.

Музокара натижасида Ислам Каримов ва Виктор Черномирдин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Меморандумни, 1996—1997 йилларда иқти-

содий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзоладилар. Шундан сўнг Ўзбекистон раҳбари ва Россия Ҳукумати Раиси журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда музокараларнинг ниҳоятда самарали ва сермахсул бўлгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат

ташқил қилиш, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Мамлакатларимиз корхоналари ўртасида шакланган алоқаларни янги асосда тиклаш иқтисодий муаммоларини ҳал қилишнинг муҳим омилларидандир. Шу боис музокара чогида ҳамкорликнинг истиқболли соҳала-

ри музокара чогида ҳамкорлик юзасидан қабул қилинган ҳужжатларда негатишлар қўйилди. Журналистлар икки мамлакат ўртасида қабул қилинган ҳужжатларда негатишлар қўйилди, яқин йиллар кўрсатилгани билан қизиқдилар.

Ислам Каримов ва Виктор Черномирдин одатда узоқ йиллик ҳамкорлик қайд этилган ҳужжатларда белгиланган тadbирлар кўпроқ қозғала қилиб кетиши кутилганини, шу боис қабул қилинган ҳужжатларда аниқ муқаддас амалий ишлар ўз аксини топганини айтишди. Бундай йўлнинг афзаллигини икки мамлакат ўртасида ўтган йили имзоланган шундай ҳужжатда қўзда тутилган режалар тўла амалга оширилганидан ҳам билиш мумкин.

Россия Ҳукумати раҳбари Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар жараёнига юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш йўлида талай ишлар амалга оширилди. Юртимизда айни пайтда беш миллиондан зиёд киши нодавлат секторда иш билан бандлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштириляётган маҳсулотнинг 90 фоизи шу секторда етиштириляётгани, савдонинг 90 фои-

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!
Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг тузилиши давр талабидир. Бугунги янги шароитда банк тизими иқтисодиётнинг барча соҳаларини чамбарчас боғлаши ва уларнинг ривожини таъминлаш билан катта аҳамият касб этади. Айнан банклар халқ хўжалигининг барқарорлигини, йўналишлари ва суръатини белгилайди, ҳар қайси фуқаронинг муносиб ҳаёти асосини барпо этади.

Ўзбекистон иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичига қадам қўйган бир пайтда банклар, авваломбор тижорат банклари, янги мулкчилик асосида миллий иқтисодиёт тизimini яратишда, мамлакатнинг соғлом молия-кредит қийфасини шакллантиришда, хусусий тadbиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонларнинг кенг ишжамоаси қатламини вужудга келтиришда муҳим ўрин тутуши табиийдир.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий муносабатлар тизимига дадил кириб бориши ислохотларимизнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Банклар биз таянган астойиб йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, манфаатларимиз ва аниқлаш қадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг халқаро молия ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли шерик сифатида дадил кириб боришида ташаббускор бўлишига шубҳа йўқдир.

Қурултой ишига муваффақият, қурултой қатнашчиларига соғлиқ ва ғайрат тилайман. Таъсис этиляётган Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ўз фаолияти билан давлатимиз мустақиллигини мустақамлайдди, республикамизнинг иқтисодий қадаврат мамлакатлар билан интеграциялашуво жараёнини жаъаллаштириб, деб ўмиш қиламан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК»НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, пахтачиликка ва у билан боғлиқ тармоқларга банк хизмати кўрсатишни яхшилаш, ушбу соҳада ҳисоб-китобларни тақомиллаштириш ва унинг янги шакллари ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўздекончилксаноатбанк» республика акционерлик тижорат банки муассисларининг ушбу банк негизда иختисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»ни ташқил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Пахта-банк» молиявий, мулкчи ва бошқа мажбуриятлар ва талаблар бўйича «Ўздекончилксаноатбанк»нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Пахта-банк»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

пахта етиштирувчи хўжаликлари ва пахта етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш билан боғлиқ ташкилотларни ривожлантириш учун молиявий маблағларни жамлаш;

пахта етиштирувчи хўжаликларга, пахта заводларига, пахтачиликка хизмат кўрсатувчи ўзаро боғлиқ тармоқларнинг бошқа корхоналари ва ташкилотларига комплекс банк ва валюта-инвестиция хизмати кўрсатиш;

пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ хўжаликлар ва ташкилотларга улар билан фьючерс битимлар тузиш орқали бўлғуси ҳосил ҳисобидан аванс бериш;

ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, шуни-ингдек, хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши ва берилган кредитларнинг қайтарилиши устидан амалий назоратни таъминлаш;

векселлар, давлат қисқа муддатли облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қозғалар билан операцияларни амалга ошириш;

хўжаликларда белгиланган тартибда «Пахта-банк»нинг бўлинмаларини ташқил этиш йўли билан банк хизмати кўрсатишни мижозларга яқинлаштириш;

кредит қарточкалари жорий этиш ва электрон банк хизматлари кўрсатиш.

3. «Пахта-банк» акционерларига ўн кун муддатда белгиланган тартибда таъсис йиғилишини ўтказиш ва банк уставини тасдиқлаш таклиф этилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки «Пахта-банк»ни давлат рўйхатидан ўтказиш ва унга белгиланган тартибда тегишли лицензия берсин.

Марказий банкка «Ўздекончилксаноатбанк» томонидан ижарага олинган хизмат биноларнинг қолдиқ қиймат бўйича ҳақ тўлаш асосида «Пахта-банк»ка бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 27 июль.

— Биз Россияни буюк мамлакат, азият ва ишончли ҳамкор, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик кафили деб биламиз, — деди, жумладан Ислам Каримов. — Ҳамкорликни мустақамлаш мамлакатларимиз халқларининг ўтиш даври қийинчиликларини тезроқ енгишга қўмаклашди ҳамда улар учун фаровон турмуш шароитларини яратишга хизмат қилади.

Музокара чогида илгари имзоланган ҳужжатларда белгиланган ишларнинг қай даражада амалга ошириляёт-

хамкорлигини янги поғонага кўтаришга хизмат қилувчи ҳужжатлар имзоланди. Россия ва Ўзбекистон Марказий банклари ўртасида икки мамлакат миллий валюталарининг эркин айланишини таъминлаш чора-тadbирлари тўғрисидаги, олий таълим, жиноятчиликка қарши кураш, Россия-Ўзбекистон тўғрисидаги ҳолдинини бар-рономик обсерваторияни

рида молия-саноат гуруҳларини тузиш масаласини ўрнанадиган ишчи комиссиясини ташқил этишга қарор қилинди. Самолётсозлик, тўқимачилик, нефть ва газ саноати соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли асосда ташқил этиладиган молия-саноат гуруҳлари тузилиши ҳар икки мамлакатдаги талай иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

раҳбари Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар жараёнига юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш йўлида талай ишлар амалга оширилди. Юртимизда айни пайтда беш миллиондан зиёд киши нодавлат секторда иш билан бандлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштириляётган маҳсулотнинг 90 фоизи шу секторда етиштириляётгани, савдонинг 90 фои-

раҳбари Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар жараёнига юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш йўлида талай ишлар амалга оширилди. Юртимизда айни пайтда беш миллиондан зиёд киши нодавлат секторда иш билан бандлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштириляётган маҳсулотнинг 90 фоизи шу секторда етиштириляётгани, савдонинг 90 фои-

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Узун тумани ғаллакорлари даладан 7230 тонна дон йиғиштириб олиб, йиллик режани бажардилар. Ҳар гектар ердан 28 центнердан хирмон кўтарилди. Б. Омонов, С. Эшмиров, «Гулистон» номли жамоа хўжаликлариде ҳақ ҳисобдорлик ҳар гектар ердан 40 центнерга етди.

Энг муҳими туманда келгуси йил ҳосили учун 1200 тонна сара уруғ гамлаб қўйилди.

Т. РАЗЗОК,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мухбиримиз бонг уради

Утган йили Сирдарё вилоятида «Тадбиркорбанк» томонидан берилган 202,5 миң сўм қарз 11 нафар фермер томонидан керак-ноқерак ишларга сарфляниб, кўкка соғурилади.

Гулистон шаҳридаги «Темур» фермер хўжалиги 50 миң сўм қисқа муддатли кредитга қорамоллар сотиб олиш ўрнига, ундан бошқа мақсадларда фойдаланди. Шунингдек, Мирзаобод туманидаги «Хирот» фермер хўжалиги раҳбари Алланазаров ҳам давлатни алдлади: оз эмас, кўп эмас, 130 миң сўмнинг 70 миң сўми хўжаликка наф келтирмади. Шу тумандаги Жўра Тинчлик деган фермер эса кредитни олишда қопқоп ваъдалар берди-ю, мўмай пул қўлга киритилган, унинг бир қисмини ўз шахсий қизичилари йўлида сарфлади. Сирдарё тумани-

ХОР БУЛГАН КРЕДИТ

Хўжалигини ривожлантириш ўрнига, олиб сотарлик қилаётган, пулни пулга қақаётган бундай «тadbиркор»ларни кўплаб келтириш мумкин.

Эл дастурхонини, юрт фаровонлигини уйлаган ҳақиқий фермерлар қайта ишлаш ихелари, кичик корхоналарини оёққа турғизиб, фойда ҳисобига маҳсулот чиқараётган, бозор расталарини сарҳил мева ва сабзавотлар билан бойитаётган бир пайтда бундай «тadbиркор»лар қилмишини қандай баҳолаш мумкин.

А. ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 27 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюталарда операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этиди.

Сотув ҳажми 29,75 миллион АҚШ долларини ташқил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 30,90 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 28 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи. *)

1 Австралия доллари	22,79
1 Австралия шиллинги	3,17
1 Англия фунт стерлинги	49,21
10 Бельгия франки	10,84
1 Голландия гульдени	19,90
10 Греция драхми	1,38
1 Дания кронаси	5,73
1 АҚШ доллари	30,90
1 Миср фунти	9,09
1 Ирландия фунти	50,77
1 Исландия кронаси	0,49
10 Испания песети	2,59
100 Италия лираси	1,94
1 Канада доллари	22,76
1 Кувейт динари	102,86
100 Ливан фунти	1,91
1 Германия маркаси	22,30

1 Норвегия кронаси	5,02
10 Португалия эскудоси	2,13
1 Сингапур доллари	22,16
1000 Туркия лираси	0,69
1 Финляндия маркаси	7,36
1 Франция франки	6,43
1 Швейцария кронаси	4,36
1 Швейцария франки	26,85
1 ЭКЮ	41,38
10 Япония иенаси	3,52
1000 Россия рубли	6,92
1 Эстония кронаси	2,79
1000 Украина карбованеци	0,21
1 Латвия лати	60,12
1 Литва лити	7,73
1 Козогистон тенгеси	0,50
1 Молдова лейи	6,81
1000 Беларусь рубли	2,69

Марказий банк 1995 йил 28 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгиледи:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,90 сўм.

— Сотин қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,90 сўм.

Хорижий валютани сотиш чогида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чогида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

• Туркистон — умумий уйимиз

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА



Юртбошимиз ўртага ташлаган «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси буғунги кунда Марказий Осиё милла- қасида истиқомат қилувчи кўлаб эллар, жамоат ташкилотлари томонидан қизғин қўлаб-қувватланаёт- ганлигининг шохиди бўлиб турибмиз.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки биз ўтмишимизга чуқурроқ назар ташласак, та- савуришимиздаги ушбу маса- лага доир барча нарсалар ойдинлашади, кўзга юзида- ги доғлар ювилиб, янада ра- ван шан тортади. Бизни узоқ вақт ана шу кўзгү-ўтмишимиз- дан ажратиб қўйишди. Узи- мизни, ўзгиргимизни билмай, билломлай яшадик. Яратган- га шукри, истиқлол ту- файли яна ўша билмай, би- лоломай юрган ўтмишимизга — ўзгиргимизга қайтмоқда- миз. Бир пайтлар бизни уну- тишга мақжуд этилган, пар- чалаб ташлаган қадриятларимиз, аъёнларимиз, ўзи- мизга хос ва мис давлатчи- лигимизни тикламоқдамиз. Зеро, буғунги кунда «Тур- кистон — умумий уйимиз» ғоясининг пайдо бўлиш са- бабларидан бири ҳам ана шундан иборат. Ушбу ғоя бир томондан бизни узоқ ўт- миш ва тарих билан боғла- са, иккинчи томондан бу- гунги иқтисодий бўҳрон ва таназзулдан чиқиб кетиш- нинг яна бир йўлидир. Учинчи хислати эса, бир- лик ҳамда ҳамжиҳатлик во- ситаси ҳамдир.

Ватанга бўлган меҳр ва садоқат, аввало, унинг ўт- миши ва тарихни чуқур ил- рок қилиш орқали пайдо бў- лади. Бу борада эса бизга табиийки, аждоларимиз ме- роси ҳамда бой маънавияти намуна ёки ўрнак бўла ола- ди. Шу ўринда америкалик йирик олим Рафаэль Пум- пэйнинг «Турклар» номли икки жилдик асарини ало- ҳида таъкидламоқ керак. Ушбу асарда она-юртимиз ҳамда туркий миллат ва қа- вимлар ҳақида қимматли маълумотлар берилди. Уни ўқиганда ўтмишини англаш- га бўлган қизиқиш кучайи- ши билан бирга, Ватанга нисбатан ҳурмат, садоқат ва эътиқод янада ортади. Асар- да Туркистон минтақасида бундан тўққиз минг йил ил- гарии уч йирик қабила — мас- сагет, хун ва сақлар истиқо- мат қилганлиги ишончли да- лиллар, тарихий манбалар асосида илмий ёритиб бе- рилган. Маълумки, худудимизда дастлаб Бақтрия, Парфия, Паркана, Сўғдённа, Шош- Илоқ каби қадимий давлат- лар вужудга келган. Улар аниқ минтақа доирасида ҳў- жалик юритганлар, ҳарбий жиҳатдан ўз чегараларини кўриқлаганлар, танга (пул), тамга ва байроқларига эга бўлганлар. Эл-улус оқсоқол- лар томонидан мустақил давлат сифатида бошқарил- ган.

Эрамининг дастлабки асрларида қарор топган Ку- шон, Эфталтлар давлати ҳам ўзининг мустақиллиги ва қудрати билан ажралиб турган. Бу пайтда Шарқий Фарб билан боғлаб турган Буюк ипак йўли марказида жойлашган Турон-Мова- роуннаҳрда ўзга мамлакат- ларнинг вакиллари нафақат савдо-сотик, балки ишлаб чиқариш, илм-фан дурдона- лари ва давлатчилик асо- сларини ўрганиш билан ҳам шугулланган. Турк ҳў- қонлиги даврида эса худуд- имиздаги давлатлар нисба- тан озод ва эркин фаолият кўрсатган. Ҳокимиятни му- стақил равишда бошқариш юқори поғонага кўтарилган. Бобоқалонларимиздан бири — Култегин 731 йилда: «Тур- к халқини тўплаб, давлат тутишининг шу ерда тош- га ўйиб ёздим», деб таъкид- лаган. Аждоларимиз дав- лат бошқарувини Солен яъни Кенгаш воситасида амалга оширишган. Ушбу Кенгашни ундан анча кейин амал қилган Рим империя- си давридаги парламентга қиёс қилиш мумкин. Ҳўқон- лиқда Олий Мажлис шак- лидаги қурултой ҳам мав- жуд бўлган. Ҳар бир уруғ, эл ва шахснинг тенглиги давлат томонидан ҳимоя қи- линган. Кейинчалик, ҳаёт тақозоси билан турли элат- лар, қавм ва уруғлар ўзаро бирилишиб, муайян ва му- стақил халқлар вужудга кел- ган. «Турк» атамаси ҳамда

туркий халқлар ҳам ана шу жараёнда пайдо бўлган. Мовароуннаҳр (икки дарё ораллиги)даги худудни биринчи бўлиб Истами исмили бобоқалонимиз бирлаштир- ган.

Ер юзиде айна пайтда 24 та туркий давлат мавжуд бў- либ, уларда 200 миллиондан ортқ туркийзабон миллат вакиллари истиқомат қила- ди. Турк, ўзбек, қозоқ, қир- гиз, туркман, озарий, олтой, тува, ёқут, уйғур, татар, бош- қирд ва бошқа миллат, элат ҳамда халқлар ана шулар жумласидандир. Шу ўринда мазкур халқ ва мамлакат- ларнинг давлат тузилиши ҳамда бошқаруви ўзига хос йўл-йўриқ ва тамойиллари билан ажралиб туришини алоҳида таъкидламоқ керак.

Қадимий Турон замини- да истиқомат қилаётган то- жиклар билан туркий (ўз- бек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқлар) шу даража- да яқинки, уларнинг тилла- ридаги айрим тафовутларни инобатга олмганда ажра- тиш қийин.

Зеро, бу минтақа халқла- рининг тарихи, дини, мада- нияти, маънавияти доимо муштарак бўлган. Хулоса қи- либ айтганда, тожиклар би- лан Туркистоннинг қолган барча халқлари туронзамин фарзандлари ҳисобланади.

Маълумки, соҳибқирон Амир Темур ўз даврида ду- наёга машҳур бўлган буюк бир давлатга асос солган эди. Унинг раҳнамолигида кўп- чиликни ташкил қилган Тур- рон халқлари асрий муста- млақачилик асратларидан озод бўлдилар. Амир Темур кучли ҳамда марказлашган миллий давлат тузди. Айна пайтда у баъзи мамлакат халқларини мустамақачилик занжирларидан озод қилди.

Амир Темурнинг Мўғул хо- ни Тўхтамышни тор-мо- этиши Русия халқи, княз- ликларига озодлик, муста- қиллик олиб келган бўлса, бўлак-ўйналишдаги зафар- ли ҳарбий юришлари эса Шарқий Оврупоини тобелик- дан сақлаб қолди. Бироқ Амир Темур вафотидан сўн- ра, шаҳзодаларнинг тоху та- хт учун талашини оқибатиде ана шундай кучли ҳамда марказлашган давлат

парчаланиб кетди ва унинг ўрнига кичик-кичик хон- ликлар пайдо бўлди. Қола- верса, кучлироқ давлатлар томонидан таъкид, ҳўқмон- лик қилиш учун интилиш- лар кучайиб кетди.

Буюк мутафаккир, қозоқ фарзанди Мустафо Чўқоев- нинг истиқлолнинг долзарб муаммолари ҳақида чуқур баҳў юритувчи «Туркистон шўролар ҳўқимияти даври- да» (1928 й.), «Туркистонда инқилоб ва Қўқон муҳто- рияти» (1937 й.) асарларини инқилобдан кейинги Тур- кистонни бирлаштирувчи ва уни ягона давлатга айлан- тириш йўлидаги дастлабки уринишлар сифатида баҳў- ламоқ керак. Бу шўролар то- монидан парчаланган Тур- кистонни яна парчалошга киришганларга қарши ку- раш, исён эди. М. Чўқоев- нинг «Туркистонда инқилоб ва Қўқон муҳторияти» аса- рининг француз тилидаги нўхаси сўзбошисида тақиқ- ли жамоат арбоби Пьер Ре- нодель: «Бу рисола минг- минглаб туркистонликлар мустақил тузум қурбони бўл- ганлиги, бутун мамлақатни жаҳолат бошқараётгани, ма- рксизм-ленинизм деб ата- миш таълимот фақат қаро- найранг эканлиги, аграр ре- волюция ниқоби остида қиш- лоқ ҳўжалигини жамоа- жамоа қилиб, ёппасига, мажбурий эксплуатацияга тайёрланаётганилиги, бутун иқтисодиёт фақат алдовга ва табиб кетишга мўлжалла- наётганлиги тўғрисида гу- воҳлик беради», деб ёзган эди.

Шу ўринда буюк ватан- парвар, ўзбек ўғлини Абду- рауф Абдураҳим ўғли Фи- ратнинг ҳам жасоратини алоҳида таъкидламоқ дар- қор. У ўзининг «Темур саған- си» (1922 й.) драмасида Ватаннинг муқаддаслиги, унинг озодлиги, мустақил- лиги йўлида ҳатто ўлимдан ҳам қайтмаслигини айтиб: «Йўқ, сен кимсасиз эмас- сан. Мана, мен, чин кўнгил билан сенинг йўлинда ўлу- рган рози. Қоф тоғлари йў- лимда тушса, Тамуғ оловла- ри қаршимга чиқса, яна сен- сарии истарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшини келса,

оёғимга занжирлар эмас, жа- ҳаннам илонлари чирмаш- са, яна сен сари чопарман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўқилса, зулм чў- лининг темир тиконлари кў- зимга кирса, яна сени қў- қараман.

Мен сенинг учун тирил- дим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман.

Эй туркликнинг муқад- дас ўчоғи! Улим сенинг ўли- мингни истаганларга, наф- рат ҳамда кўмганга келган- ларга!», деб хитоб қилди.

Бундай мисолларни ис- тиклолга, Туркистоннинг бирлигига интилган аллома- ларимиз ҳаёти ва ижодида минглаб келтириш мумкин. «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси узоқ йиллик мударатлардан сўнг Турки- стон заминиде умрғузлар- лик қилаётган мамлакат ва халқларнинг бирлаштириш сари қўйилган дастлабки қа- дамдир. Бу бирликни иста- ган, орзу қилган кишилар- ни инқилобдан аввал Чор Россияси вакиллари қирғин қилган бўлса, инқилобдан кейин шўро вакиллари қат- лон этдилар. Ва, ниҳоят, бутун ота-боболаримиз орзу қилган кўн етиб келди.

Шу боис, юртбошимиз Ўзбекистонда Қозогистон қўналарининг очилишига ба- гишланган тантаналарда сўз- лаган нўтқида ҳақли равиш- да: «Туркистон озодлигини юз йиллар давомида орзу қи- либ ўтган ота-боболаримиз- нинг руҳи бутун шўр бўляп- ти!», деб алоҳида таъкидла- ган эди.

Истиқлолга биз ҳеч қач- он осон ва арзон эришган- нимиз йўқ. Юқорида таъкидланганидек, унинг учун минглаб миллатнинг асл туллари ўз жонларини онгли равишда қурбон қил- дилар. Истиқлол биргина бизга эмас, балки аввал Тур- кистон, кейин Урта Осиё, ҳўзир Марказий Осиё деб атамиш минтақада яшаёт- ган барча мамлакат ва халқ- лар учун ҳам анча «қим- мат»га тушди. Модомики, шундай экан, ана шу мин- тақада яшаётган давлатлар қўлни қўлга бериб, бир ёқа- дан бош чиқариб, истиқлол- ни ҳимоя қилмоқлари, фақ- қат ўзларининг худудлари-

нигина эмас, балки бутун Туркистонни, Марказий Осиёни ватан билиб, онгли равишда фаолият кўрсат- моқлари лозим. Зеро, биз ана шундай йўл билангина бутунги тангликдан тезроқ чиқишимиз, истиқбол сари юз туғишимиз мумкин.

Юртбошимиз янада аниқ- лик киритиб: «Ота юртимиз Туркистон — қатта бир уй, буюк бир рўзгор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўл- са, рўзгор ҳам шунчалик обод ва тўқин бўлади», де- ган эдилар. Марказий Осиё минтақасида, дарҳақиқат иқ- тисодий, маънавий, ҳамда сиёсий жиҳатдан ягона му- ҳит ташкил қилиш — бутун- ги кўннинг энг долзарб ма- салаларидан биридир. «Тур- кистон — умумий уйимиз» жамоатчилик ҳаракатининг ташкил топиши, юқорида таъкидланганидек, шунчалик тадбир эмас, балки давр та- лаби, эҳтиёждир.

Бош мақсад — Туронза- минни илғор худудлардан бирига айлантиришдан ибор- ат. Зотан, ана шу минтақа ва замин халқлари ўзаро бирилишиб, ҳамкорликда ҳар- акат қилсалар, юртбоши- миз таъкидлаганидек: «Мам- лақатларнинг ўзаро бирли- гини янада мустаҳкамлаш- га, қадим Туркистон зами- ниде яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кўчаларни ўз сафларига олишларига шак- шубҳа йўқ».

Мазкур ҳаракат ўз фао- лиятини ушбу минтақа дав- латлари орасида пайдо бўл- ган кўпгина сунъий тўсиқ- ларга барҳам беришга, бе- поён Туркистон худуди бўйлаб ўзаро борди-келди, маданий-маънавий муноса- батларни, савдо-иқтисодий алоқаларни эмин-эркин да- вом эттириши учун замин ҳўзирлашга қаратса, айна муздао бўлур эди. Дарҳақи- қат, шундай экан, Марка- зий Осиё халқлари эндиги- на тамал тоши қўйилаётган янги ва дўстона муноса- батларни ташқи таъсирлар- га берилмасдан иччиллик бил- лан давом эттириши зарур.

Исламжон ТУРСУНОВ, тарих фаилари доктори.



МИЛИЦИЯНИНГ НОТУҒРИ ҲАРАКАТИ ВАЗАБИ...

Украина адлия вазири вазифасини бажариб турган Василий Онопенко Украина Православ черкови патриархи Владимирнинг дафи маросими чоғида юз берган тартибсизликлар ҳўққи муҳофаза қилиш органилари ходимлари- нинг нотўғри ҳаракатлари туфайли содир бўл- ганни айтди.

В. Онопенконинг таъкидлашча, милиция ходимла- ри маросим қатнашчилари бораётган София ибодатхо- наси йўлини тўсган ҳамда уларга қарши калтак ва кўздан ёш оқизувчи газ ишлатган.

Тўқнашув натижасида 50 дан ортқ киши шифо- нага ётқизилган, уларнинг 35 нафари милиция ходим- ларидир.

ЯШИРИН ПАБОРАТОРИЯ ФОШ ЭТИПДИ

Москва давлат Тўқимачилик академиясида бир йилдан бери фаолият кўрсатаётган сунъий наркотиклар ишлаб чиқарувчи яширин лабо- ратория фош этилди.

Лабораторияда ишлаб чиқилган наркотик моддалар асосан, Москва, Санкт-Петербург ва Нижний Новго- род шаҳарларида пулланган.

Жиноятчилар нархи юз минг Америка доллари миқ- дори булган бир килограмм наркотик моддани сотаёт- ган пайтда қўлга туширилган.

Жиноий бизнес билан шугулланган ушбу гуруҳнинг барча аъзолари ҳўзир ҳўбседа ўзлари устидан чиқарила- диган ҳўқмини кўтаяпти.



СУРАТДА: Вильнос шаҳри кўришиларида бири.

ЎЗ ТАРИХИДА ИПК БОР...

Доғистон халқи ўз тарихида илк бор миллий байрам — Конституция кўнини нишонлади.

Доғистон республикасининг қўмуси ўтган йили умум- халқ муҳокамасидан кейин қабул қилинган эди.

БОСИБ ОЛИШГА УРИНСА...

НАТО Бош қотиби Вилли Клас Босния серб- лари музоамоналар яшаётган Горажде қишло- гини босиб олишга уринса, мазкур ҳарбий блок уларга қарши ўз авиациясини ишга солишини айтди.

Вилли Класнинг таъкидлашча, НАТО Кенгаши нав- батдаги мажлисида авиациянинг ҳаракат режасини туз- ган.

ХХР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Хитой Халқ Республикаси Тайван билан дип- ломатия алоқалари ўрнатгани учун Гамбия билан барча расмий муносабатларни узди.

ХХР Ташқи ишлар вазирилиги, Гамбия ҳўқумати Хи- той билан тузилган икки томонлама дипломатия муно- сабатларига оид аҳдномани бузгани учун шундай қар- рорга келингани ҳақида баёнот берди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Владивостокда Ўзоқ Шарқ худуди ишбилар- мон доиралари вакилларининг халқаро анжу- мани иш бошлади.

Унда, асосан, Россия ва Хитой ўртасида ўзаро иқти- содий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳў- кама қилинади. Анжуманда юзлан зиёд хитойлик тад- биркорлар ҳам иштирок этмоқда.

ҲАМКОРЛИКДА САМОПЕТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШМОҚЧИ

Ҳиндистон Россия билан ҳамкорликда Су- Зобк русумидаги қирувчи самолётларини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Шу йилнинг август ойида ҳарбий-техник ҳамкорлик бўйича Россия-Ҳиндистон ишчи гуруҳининг Москвада бўладиган навбатдаги мажлисида ушбу масала ва ҳар- бий соҳадиги алоқалар истиқболи муҳўкама этилди.

МУҲОКАМАДА: ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ҲУЖАЛИКЛАРИ

Ереванда МДҲ агросаноат мажмуи бўйича ҳўқуматлараро кенгашининг навбатдаги маж- лиси бўлди.

Унда ҳамдўстлик мамлакатларида ер ислоҳотини амалга ошириш, деҳқон ва фермер ҳўжалиklarини ри- вожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳўкама этил- ди.

ИККИ ЙИЛ ЎРНИГА 7 ОЙ ИЧИДА БИТГАН КўПРИК

Шаҳарсозларнинг режасига кўра, Тошкентнинг Як- касарой ва Чилонзор туманларини бирлаштирадиган ян- ги кўприк пойтахтимиздаги энг чироқли иншоотлардан бири бўлади. Бу кўприк 1947 йилда Бўржар ариғи устига қурилган олдинги кўприкдан тўрт баравар кенгдир. 40 метрлик бу иншоот автомобилларнинг уздуксиз қатно- вини таъминлайди, айна пайтда пиёдаларнинг ўтиши ҳам хавфсиз бўлади.

Кўприк жуда қисқа муддатда — икки йил ўрнига

атиғи 7 ой ичида қуриб бўлинди. Ўзбекистон мустақил- лигининг 4 йиллиги шарафига тошкентликлар учун бу ўзига хос меҳнат совғасини бош нўдратчи — «Ўзбек- транскўрилуш» бошчилигидаги 15 та трест қурувчилари тайёрлашди.

СУРАТДА: қурувчилар И. Шашматов (чапдан) ва М. Маманазаров; янги кўприк.

А. ТўРАЕВ (ЎзА) тасвирга олган.



ЙўЛИ ОБОДНИНГ ЭЛИ ОБОД

— дейди халқимиз. Дарҳақиқат шундай. Каердаки, йўллар кенг, равоон, чароғон бўлса, ўша жойда яхши кайфият, жўшқин ижод, самарали меҳнат бўлади.

Гурлан автомобиль йўллар бошқармаси жа- моаси эришаётган ютуқ- ларда буғунги Хоразм воҳасининг жамолини кў- риш мумкин, десак мубо- лаға бўлмайди. Негаки, гурланлик йўлсозлар ўт- ган 6 ой мобайнида туман худудиде 17 қақирмдан зиёдроқ масофада янги йўллар барпо этиди, бир қар- тор мавжуд кўчаларни қайта таъмирлашди, шу- нингдек, беш қақиримча жойга пиёдалар учун мах- сус йўлакчалар ётқизишди.

Янама очикроқ қилиб айтганда, улар бултурги биринчи ярим йилликка нисбатан бу йил 2 мил- лион сўмдан ортқроқ маблагни ўзлаштиришга муваффақ бўлишди.

Айна пайтда туманд ободонлаштириш, йўлсоз- лик ишлари кенг кўламда олиб бориляпти. Респу- блика мустақиллигининг тўрт йиллиги байрамига қадар Гурлан туманидаги барча марказий кўчалар янада кентайитрилиб, ободонлаштирилди. Бу- нинг учун эса йўлсозлар- да етарли шижоат ва ша- рт-шароит мавжуд.

Ўз мухбиримиз.

ИСРОФГАРЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН

Наманганда ҳўл мева ва сабзавотлар билан сав- до қилувчи ярмарка ташкил қилинди.

Бу ерда кўнига бир ярим минг тонна сабзавот ва ҳўл мева сотилипти. Нархи бозордагидан анча арзон. Нама- ган консерва заводиде олатдагидан уч ҳафта илгари поми- дор тайёрлашга киришилди. Туракўрғондаги «Ширин- лик» комбинатиде иш икки сменада ташкил қилинган — бу ерда ўрик, пиёз, сабзи, қарам қуришти ишлари авжида.

ЯНГИ ГУЗАР

Анджон вилоятининг Булоқбози туманидаги Сарботпена қишлоғида янги гузар пайдо бўлди.

У савдо, манший хизмат қорхоналари, соғлиқни сақ- лаш муассасалари жойлашган ўзига хос жамоатчилик мар- казидир. Янги гузар маҳаллий талбиркор Валижон Отахо- нонинг ташаббуси ва ишбилармонлиги туфайли вужудга келди.

Трактор ўғир- лашга жуда қулай транспорт восита- си экан.

Аввало, ДАН хизмати ходимлари тракторга кў- пам эътибор бериншмайди. Иккинчидан, ёлғизоёқ йўллар билан истаган ман- зилга боравериши мум- кин. Учунчидан, арзон- роқ сотсангиз ҳам хари- дор ажабланмай олавера- ди. Энг асосийси, трак- торни ўт олдириш осон. Ва янама муҳими, уни йў- қотса, эгаси бир кўн-ик- ки кўн милицияга хабар

• Луқма Э. ТРАКТОР БАРИБИР ТРАКТОР-ДА...

қилмайди. «Фалончи бир тележа тўпроқ олиб ке- ламан деб юрган эди, ке- часи келиб қолар», деб ку- тади. Бу пайтда эса трак- тор ўғриси «қимирлаган қир ошар» деганларидек анча жойга бориб қолади. Қизилтепа туманида (Навойи вилояти) бири- на ўтган йили 7 марта трактор ўғирланди. Бу жи-

ноятни бор-йўғи икки ки- ши — Бақо Ҳалимов ва Сайфулло Саидов амалга оширишди. Лекин бари- бир қўлга тушишди: минг қилсаем, трактор-трак- торда, уни яшириб қўёл- майсан, ҳадеганда «запча- стлар»га бўлолмайсан...

Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Маълумки, шу йилдан эътиборан мамлакатимиз фуқароларига Ўзбекистон паспорти берилди...

Уларнинг кўпчилигида Ўзбекистон паспорти фуқароларида Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаётганига ва уларда фахр ҳиссини уйғотётганига таянганда...

талқинда ёзилган Ишмуродов, Таджиев, Гаип, Ярул каби исм-фамилиялар янги паспортларда ҳам ўз аксини топаётганлиги ҳақида шикоят қилишди...

лар аралашуви билан боғлиқ ҳаётий масалаларда ортиқча овозгарчиликларга дуч келишди. Демакки, исм-фамилияларнинг ўзгаришуви ёки маълум ўзгаришлар киритиш шакллари...

— Эшик олди одамлар билан гавжум экан... Янги паспорт олувчиларнинг анча муддат навбатда туриб қолишларига барҳам бериш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Айни кунда ҳар бир паспорт бўлимининг олди одамлар билан гавжум бўлиши табиий ҳол. Чунки шу кунларда республикамиздаги барча ўқув юрталарига қабул кетаяпти...


ляпти ва узимизнинг ишларини ҳам енгиллаштирапти. Биз бундай тадбирларни келгусида ҳам давом эттирмакчимиз.

— Туман аҳолиси 234 мингга тақриб қилар экан. Шу қутгача 12 минг киши янги паспорт олинган. Кўриниб турибдики, жамоавий амалга оширилган асосий ишлар ҳали олдинда...

— Ҳозирча зиммамиздаги ва зифани имкон қадар удаллашмиш. Тошкент шаҳрида аҳолининг зич жойлашгани боис биз Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ички ишлар паспорти бўлимига қўшимча ишчи ўринлар беришни сураб мурожаат қилганмиш...

— Янги паспортнинг ҳимоялангани ҳақида мутахассис сифатида фикрингиз...

— Юқори баҳолайман. Германия, Покистон, Афғонистон каби бир қанча мамлакат фуқароларига берилган паспортларнинг кўрганман. Уларга солиштирилганда ҳам бизнинг паспортлар юқори сифатда тайёрланган. Суратнинг юқори ҳароратда қоплама орасига киритилиши ва бир қатор қимом воситаларини ўзлаштириш жуда мураккаб...



ВАТАН ТУЙҒУСИ ОДАМЛАР ҚАЛБИДА ПАСПОРТ БИЛАН БИРГА СОБИТ ЯШАЙДИ

— Турғунбой ака, аввало, янги паспортда исм-фамилиялари ўзбекча талқинда қайд этилишини истовчилар нима қилишлари керак, шу ҳуусида гапирсангиз...

янги паспорт олувчини овоза қилмай, шу еринг ўзида тўғрича талқинда ўзгаришиб, янги паспорт эиб бераймиз. Агар уларнинг исм-фамилиясида бир нечта ҳарф фарқанса, ёки исми ёхуд фамилиясини ўзгаришмоқчи бўлса, бундай шакллар аввало фуқароликни қайд этиш бўлимига мурожаат этишлари лозим...

чилари паспорт олиши керак. Агар биз 16 ёшга тулганлар учун бундан икки ой муқаддам Ўзбекистон паспортлари беришни мактабларга бориб уюштирмаганимизда ҳозир бўлишимиз олди одамлар билан янада гавжум бўларди. Ҳозиргача туманининг 12 минг фуқаросини янги паспортлар билан таъминладик...

оширяпти. Жумладан, юқорида айтганимдек, мактабларга чиқарилган, туманимиздаги йирик корхона ва ташкилотларга бориб, ишлаб чиқилган режа асосида янги паспортлар беришни амалга оширяпти. Бундан ташқари маҳаллаларга ҳам чиқарилган. Яқинда Фаол, Қарамон, Белтепа каби бир қанча маҳаллаларга бориб, янги паспорт олувчиларни суратга олди ва керакли ҳужжатларни йиғдик. Натижада кўрилган ортиқча вақт сарфламай, маҳаллада ёки ўз уйларида (асосан қариялар) янги паспортлар олишга муваффақ бўлишди...

Миннатдор қалб изҳори ФАХРИЙЛАР МАМНУН

Бугунги кунимизни телефон алоқаси хизматисиз тасаввур қилишимиз қийин. Бу борада пойтахтнинг Собир Раҳимов телефон алоқаси тармоғи мутахассислари ва харидорлари хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз...

Буюк ғалабанинг 50 йиллик байрами арафасида тармоқ абонентларининг сони яна 200 тага ошди. Тармоқ маъмурияти уруш қатнашчилари ва мамлакат ичкарида филокорона меҳнат қилган фахрийларга катта ҳурмат кўрсатди...


Шаҳар чеккасида жойлашган Охунбоев номи жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи уруш фахрийлари ҳам тармоқ раҳбарлари (бошлиғи М. Х. Рустамова) эътиборидан четда қолишмади. Илгари Тошкент туманига қарашли бўлган бу қишлоқ Собир Раҳимов туманига ўтгач, фахрийларнинг телефони бўлиш тўғрисидаги кўп йиллик озу-ниятлари рўйбга чиқди...

Шу кунларда тармоқ ходимлари ер ости қувурлари, кабеллар, симсўчлар ва ҳаво телефон тармоқларини назорат қилиб, таъмирлаб масъулиятли ва мураккаб вазифаларни бажарияпти.

С. Раҳимов тумани телефон алоқа тармоғи бўйича шу йилнинг беш ойи мобайнида 42,9 млн сўм, шу жумладан, фуқароларга 6,3 млн. сўмлик хизмат кўрсатди...

Барот ШОНАЗАРОВ, II гуруҳ уруш ноири, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Бугунги Урганч. А. МУРОДОВ сурат-лавҳаси.



Ихтирочилик

ТУРОПОВНИНГ ҚЎНҒИРОҒИ

Каттақўрғон пахта тозалаш заводининг собиқ ишчиси Фафуржон Туропов ихтирочиликка қўл урган пайтда эндигина йиғирма ёшга кирган эди. Ушанда у пахтани станокда тойлаш усулини ишлаб чиқувди.

— Хўл меваларни те-радиган ускуна ҳам яратгандим, — дейди у. — Афсуски, мутахассислар эътиборидан четда қолди. Бўроқчилик комплексларида молларни занжирга боғлаш ва ечининг автоматик усулини таклиф этганимда улар елка қисиди. Хуллас, шундан кейин бу «машгулот»дан кўнглим совиди.

Аммо ўзар Фафур ака яқинда яна бир ихтирога қўл урди: хонадонларда қувурдан газ келмай қолганда овоз берадиган қўнғироқ ўйлаб топди. Бу асбоб жўмаклар очқ қолганда шундай ҳол юз берса, туғилладиган хавфдан огоҳ этади. Каттақўрғон газ идораси ходимлари мазкур ускунага яхши баҳо беришастир.

Инабулла РУСТАМОВ. Каттақўрғон шаҳри.

Улкан адибимиз Ойбек қолдириб кетган адабий мерос фақат ўзбекларнинг эмас, балки жаҳон халқларининг маънавий бойлигига айланди.

Ўзбекистоннинг барча худудларида бўлгани каби, Жиззах адабий жамоатчилиги ҳам ёзувчи таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонламақда.

Юбилей муносабати билан вилоятда иккита йирик анжуман ўтказилди. Жиззах политехника ин-

Қадриятларимиз

ОЙБЕКНИ ЭЪЗОЗЛАБ

титутида адабиётшунос олимлар, талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирокида илмий-назарий кенгаш бўлиб ўтди. Институт кутубхонасида эса Ойбек асарлари кўргазмаси очилди.

Иккинчи анжуман А. Қодирий номидagi педагогика институтида адабий-бадиий кеча сифатида ни-

шонланди. Вилоят ижодкорлари, талабалар бошлаб берган мушоира саҳна кўринишлари ва концертга уланди.

Вилоят маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими сай-ҳаракатлари билан ўқув даргоҳларида, завод-фабрикаларда

ҳам ўнлаб тадбирлар уюштирилди. Маҳаллий телевидение, радио ва матбуот орқали Ойбек ижоди вилоят халқига турли кўринишлар, ранг-баранг мавзулар орқали тарғиб қилинди.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон-Белорус қўшма корхонаси "ЎЗБЕКМАЗСЕРВИС"

Тошкент омборхонасидан сўмда пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни сотади:

- ♦ барча турдаги "МАЗ" автомобиллари учун биринчи бутловдаги двигателлар, шунингдек эҳтиёт қисмлар;
♦ қўл билан ишлатиладиган насослар;
♦ тортқич насослар;
♦ форсункалар;
♦ пуркагичлар;
♦ плунжер жуфтликлари;
♦ ёнилғи аппаратлари.


Бизнинг манзилимиз: Тошкент, 8-Март кўчаси, 57-уй. Алоқа телефони: (3712) 91-68-94.

ДИҚҚАТ! «СУВҮЙ-ЖОЙЎЖҒАБ» Қ. К.

сув ва газ учун турли моделдаги хўжалик ва саноат счётчикларини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Сифатли, арзон, чидамли, бежирим СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ.

Тошкент, Воровский кўчаси, 26 "Чкалов" метро бекати. Телефонлар: 96-53-71, 96-70-94. Факс: 96-14-20.



Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда 30+ сизга қувватдориси даркор!!!



"Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.

"Тридцать Плюс" нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.

Харид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: "АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ: Тошкент, 700060, Мовароунахр кўчаси, 19-уй. Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70. Телефакс: (3712) 33-84-71. Ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари: "Иби-Сино" дорихонаси: (3712) 44-24-34, 40-44-83. "Фармед" дорихонаси: (3712) 47-98-90.

"Тридцать Плюс" - ёшлик ва соғломлик демакдир.

Мерос

Нобъ тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастурида муҳим бўлагини ташкил этади.

И. КАРИМОВ.

У болаликдан адабиётга муқаддасликдан кетган, дунёвий илмлар билан бир қаторда диний билимларни ҳам мукаммал эгаллаган. Вақти келганда у ўз юртининг мустақиллиги учун қўлида қилиш билан душманга қарши отланган ва галабаларга эришган, умрини 1533—1539 йилларда Бухоро тахтида подшоҳлик қилиш билан якунлаган.

Убайдуллоҳон 1533 йили Бухоро тахтига ўттириб олинган, уша куллари у ўз тақдирдан хурсанд бўлиб, бу мансабдан халқ, мамлакат учун фақат яхшилик қилиш йўлидагина фойдаланадигани ҳақида бир ғазалида қуйидаги мақтাব-байтни битган эди:

Эй Убайдий, Ҳақ сени оламда қилди, Сенин улдурум, раиятқа рияят қилга сен. Убайдуллоҳон инсофли, диёнатли, тақводор одам бўлиб, унга «Убайдуллоҳон» деган исми Хожа Аҳрори Валий қўйган экан. У ўз шеърларини «Убайдий», «Кул Убайдий» тахаллуслари билан ёзар, ижод соҳасида биринчи ўстози деб Алишер Навоийни танир ва бу тўғрида фахр билан шундай деган эди:

Шеърлар айтиб Убайдий ҳам Навоий шеърдек, Кўрси, шоирлар аро ул доғи шоир бўлгуси. Шу пайтгача бизга Убайдийнинг 1583 йили Мир Хусайн ал-Хусайний томонидан кўчирилган ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида инвентар № 8931да сақланаётган «Куллиёт» девонига маълум эди. Мен 1994 йили «Езуви» нашриёти томонидан нашр этилган Кул Убайдийнинг туркий девонидан олинган намуналардан иборат «Вафо қилсанг» тўпламини шу «Куллиёт» асосида тайёрлаган эдим.

Тақдир бизга қулиб боқди. Яқинда АҚШнинг Блумингтон шаҳридаги Индиана университетиде бир неча ой лекция ўқиб келган тилшунос ва навоийшунос олим Эргаш Умаров қайтишда Британия музейида (Англия инв. № 7907да) сақланаётган ва Убайдийнинг шу вақтгача бизга номаълум бўлган туркий девонининг янги қўлёзмаси кесерокопиясини олиб келди ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг Навоий бўлимига тўхфа қилди. Бу қўлёзма ниҳоят шунини кўрсатдики, унда шоир шеърлари уша замоннинг энг машҳур ҳатоти, Алишер Навоий томонидан «Маъжоласун-нафоис»да «Хатотлар қиблагочи» («Қиблатул-қутуб») деб таърифланган Султон Али Машҳадий (1432—1520) қўли билан 1507—1512 йиллар орасида махсус кўчирилган. Қўлёзма 78 ғазалдан иборат бўлиб, унинг қоқоғида котиб бу қўлёзмадан кўчирилгани тарихига доир қуйидаги жумлани ёзиб қўйган:

«Нозимнинг кўрсатмаси билан, — олийлик ва аълолик эгаси — Оллоҳ Таоло бу дунёни тарқ этувчи мусулмонлар орасида унинг умрини абадий қилсин, — (ушбу девонни) Султон Али ал-Машҳадий, — Худо гуноҳларини келтириб, —

чиргай, — китобат қилиш шарафига муъжасар бўлди». Бу қўлёзма шоир тирикчилигида кўчирилган бўлиб, унда шеърларнинг умумий миқдори «Куллиёт»дагига қараганда кам. Масалан, «Куллиёт»нинг туркий қисмида 310 атрофида ғазал, 485 га яқин рубоий бор. Бу девонда эса 263 ғазал, 62 рубоий бор ҳолос. «Куллиёт»да бошқа тур шеърлар сони ҳам кўп. Лекин янги қўлёзманинг қимматли бир томони шундаки, «б» ҳарфи қисмида «Куллиёт»да йўқ 3, «т» ҳарфи қисмида 5, «с» ҳарфи қисмида 8, «р» ҳарфи қисмида 41, «д» ҳарфи қисмида 1 та,

ШОҲОНА ҚҮЛЁЗМА ДЕВОН

Ўзбек адабиёти тарихида уч тилда қалам тебратган, шеър ёзган, девон тузган шоир кам. Бухоро ҳоқими Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллоҳон (1484—1539) шундай шоирлардан эди.

янги ғазал мавжуд. Бошқа ҳарфларга оид қисмларда ҳам маълум тафовутлар бор. Масалан, «а» ҳарфида «Куллиёт»да 44, бунда 38, «м» ҳарфи бўйича 15 та, бунда 8, «н»да 58, бунда 42, «ей»да 83, бунда 47, «нг»да 26, бунда 16 та ғазал бор. «Куллиёт»да шеърларнинг кўпроқлиги сабаби аввало унинг шоир вафотидан қирқ йилдан ортқ вақт ўтгандан кейин кўчирилганида бўлса керак.

Бу туркий девоннинг катта фазилати унда «Куллиёт»га кирмаган бир қанча шеърлар борлигида. Бунга қуйидаги аҳлюқий мавзуда ёзилган ғазал яхши бир мисол бўла олади:

Ийғма жаҳон хизонасин, ўт тушар ул хизонага, Бўлмас, инопма, эй кўнгул, умр била замонага. Аҳл жаҳон сўзи бори бошдин-аёқ фасонадур, Сен бу замона тифландек солма қулқ фасонага, Эри кўнгул ўқин тузот, сарқадин айла ёй анга, — Тегсун агар десанг ўқунг туз бориби нишонага...

Убайдий шеърларининг аксарияти анъанавий ишқий мавзуларидир. Айни вақтда унинг бу хил шеърлари турқона услубда, ҳиссиёт билан анча раво ёзилган:

Қон тўқар ҳар лаҳза кўзум тиғи мижсонин кўруб, Кўнгулм ўзидин борур оққан ашиғ қонин кўруб, Соядек туштум айгин ўпкали ул шўхнинг, Сайр этарда бог аро сарви хиромонин кўруб, Зағфиқ жисим била ўт ичра тушган қил киби —

Тўлқонурмен ҳар замон зулфи паршонин кўруб, Истама мендин қарору сабр ила оромким, Чархек сарғаштадурмен моҳи тобонин кўруб, Эй Убайдий, номасин ўқурда қолмас жон манга, Жон берурмен номасига балки унвонин кўруб.

Убайдийнинг ушбу ўзбекча шеърлар девони ва бу даврдаги бошқа ҳукмдорлар шеърлари ҳақида биринчи бўлиб профессор Аннемарий Шиммел «Покстонда тарих фани» журналининг 1960 йил июль сониде босилган «Биринчи ўзбек ҳукмдорларининг маданий фаолияти ҳақида баъзи мулоҳазалар» деган мақолада ёзган ва маълумот берган эди. Лекин чет элларда эълон қилинган кўп тадқиқотлар каби бу мақола ҳам бизга шу пайтгача но-

маълум бўлиб келган. Бу мақола муаллифи Убайдийнинг танланган шеърларидан тузилган бошқа бир терма девони Истамбулнинг (Туркия) Тупқопи кутубхонасида сақланаётганини хабар қилади.

Убайдийнинг янги топилган девони адабий аҳамиятга эга бўлиб қолмай, у санъатимиз тарихини ҳам бойитди. Маълумки, Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган Шарқ муаллифлари асарларининг қўлёзмалари ҳозирги вақтда жаҳондаги ўнлаб энг машҳур қўлёзма фондларини беэаб турибди. Бу котиб томонидан Навоий йигирма тўрт ёш эканида кўчирилган унинг «Йил девони», XV асрнинг охиридаги кўчирилган «Хамса» қўлёзмаси бугун Санкт-Петербургдаги С.-Шchedрин номли Давлат халқ кутубхонасининг бебаҳо бойлигидир. Беруний номидаги Шарқшунослик институтида эса Навоийнинг «Наводирун-ниҳон» девонининг шу котиб томонидан кўчирилган энг қадимги нусхаларидан бири ундаги нобъ қўлёзма ёдгорликларимиздан ҳисобланади. Заҳриддин Муҳаммад Бобир Султон Али Машҳадийнинг Хусайн Бойқаро давридаги фаолияти тўғрисида гап борганда: «Ҳар кунда ўтуз байт Мирзо (Хусайн Бойқаро) учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди», — деб ёзган эди. Маълум бўладики, Султон Али Машҳадий узоқ умр кўриб, темирүйлардан кейин шайбонийларга ҳам хизмат қилган, ўлкада маданий ҳаракатнинг ўзлиги қолишини истамаган.

Султон Али Машҳадий қаранг чоғида ўзининг узоқ йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб хат ва хаттотлик санъати ҳақида махсус бир шеърый рисола ёзган. Бу рисоланинг қўлёзма нусхаларини Европа ва Осиёнинг жуда кўп қўлёзма кутубхоналарида учратиш мум-

кин. Султон Али Машҳадий настаълиқ хатининг пири бўлиб, бу рисоланинг бир нусхасини 1514 йили ўзи кўчирган ва бу дастхат нусха ҳам ҳозир Санкт-Петербургда С.-Шchedрин номидаги Халқ кутубхонасида (Инв. № 454) сақланади. Шу рисола ва улуғ хаттотнинг ёзиш санъати ҳақида 50-йилларда шарқшунос олима Г. И. Костигова махсус номзодлик диссертацияси ёзган эди.

Хаттотлик санъати ва унинг тарихининг катта билимдони, ажойиб олим Абдуқодир Муродов эса ўзининг «Урта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» деган китобида (1971) Султон Али Машҳадийнинг уша Санкт-Петербургда сақланаётган рисола қўлёзмаси, ёзилиш хусусиятлари тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган:

«Рисола Хуросоннинг юксак даражада зийнатланган бадий қўлёзмаларидан ҳисобланади. Текст икки устунда Султон Али услубига хос бўлган қаламда, ҳарфлари дона-дона ажралиб турадиган йирик настаълиқ хатида жилолиб, навоитранг ипак қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган. Барча сарлавҳалар олтин суви ва ложувард рангда битилган. Рисола текстлари зарҳал билан чизилган жуда нафис жадваллар ичига олинган. Қўлёзманинг 16 ғазали бошида нафис унвон бор... Нусханнинг 1 ва 2а текст оралиқлари яхлит тилла суви билан қопланган. Қўлёзманнинг барча ҳошиялари ўсимлик, фантастик ҳайвонлар ва паррандалар расми билан безатилган» (34-бет).

Бу ерда Султон Али рисоласининг хати ва унинг ички, ташқи безаклари тўғрисидаги гапларнинг деярлик ҳаммасини унинг Убайдий туркий девони хати ва безакларига ҳам нисбатан бериш мумкин. Чунки бундай хат ва қўлёзма бадий беэаб билан боғлиқ гаплар Султон Али услубига хос. Убайдий девонининг бу қўлёзмаси ҳақида кесерокопия бўйича тўла фикр юритиш қийин. Шундай бўлса ҳам қўлёзма билан дастлабки танишиш шунини кўрсатадики, у орадан ўтган салкам беш аср давомида кўп шикастланмаган. Безаклар ҳам маълум даражада яхши сақланган. Қўлёзма бошидаги олтин суви юритилган саҳифалар, ҳошиядаги турли ўсимликларнинг барглари, хусусан I-саҳифадаги бог манзараси, ундаги одамларнинг расмлари кўзга яққол ташланиб туради. Жадвал чизиқлари ва хат ифодаларида бирон хатолик, ғашга тегадиган бузилиш кўринмайди. Бинобарин, ушбу девон қўлёзмаси мисолида буюк хаттот меросининг яна бир асарга бойигани шубҳасиз.

Убайдий XVI аср ўзбек адабиётининг йирик сиймоларидан бири бўлиб, унинг адабий мероси энгилгина ўрганма бошланди. Унинг ўзбекча шеърый девонининг чет эл каталогидан нобъ қўлёзма нусхасининг топилиши шоир меросини, шу давр маданий ҳаёти тарихини кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш ва текширишни анча энгиллаштиради. Улуғ аждоларимиз меросларининг қадимий қўлёзмаларини қидириб топиш билан боғлиқ ишларга эса бундан буён ҳам биринчи даражали аҳамият бермоғимиз керак. Ўзбек адабиёти ва санъати тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган Убайдий каби ижодкорлар, Султон Али Машҳадий каби санъаткорлар шундай изланишлар орқали адабиётимиз ва маданиятимиз тарихидан ўзининг кенгроқ ва чуқурроқ ўринларини эгаллашлари лозим.

Абдуқодир ХАЙИТМЕТОВ, филология фанлари доктори.



Раққоса хиром этса...

Миллий Инвестиция Фондининг акциялари бу - маблағларингизни ишончли қўлларга топшириш. MILLIY INVESTICIYA FONDI. Миллий Инвестиция Фонди. ва сизнинг сармояларингизнинг тез ўсишидир. Сотиб олиш - 100 сўм; Сотиш - 100 сўм. Тошкент шаҳри, Мустақиллик, 6 (1-подъезд, 3-қават). Тел.: (3712) 39-17-63, 39-15-79, 39-44-63.

Асака шаҳри тугруқхонасидаги болалар бўлими шифокори Турсуной Икромова (ўнгда) 35 йилдан буюн бир жойида ишлаб келмоқда. Турсуной опа, «Соғлом авлодди соғлом оналар вояга етказад», деган ғанич тез-тез такрорлаб туришни ёқтиради. Шунинг учун ҳам оналарда учрайдиган камқонликнинг олдини олиш учун қўлдан келганча ёрдам беради. СУРАТДА: Турсуной Икромова ҳамда доя Мухаррамов Абдурахмонова. А. АБДУРАХИМОВ тасвирга олган.

Мустиқликнинг тўрт йиллигига ОЗОД ҚУШ ПАРВОЗИ. Композитор Мирсодиқ Тожиев ўзининг 16-симфониясига «Баҳоқирлик симфонияси» деб ном берди. Ҳамидулла АКБАРОВ, профессор.

"ЭМАЛЬ" акционерлик уюшмаси корхона ва ташкилотларга юқори сифатли ранго-ранг эмаль бўёқларни чекланмаган миқдорда тавсия этади. Бундай маҳсулотни фақат биздан олиш мумкин. "Эмаль" акционерлик уюшмасининг манзили: 700015. Тошкент, 3-тор кўча Фаргона йўли, 73. Маълумот учун телефонлар: 91-56-20, 34-31-19. Биз сизни қўтаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ. Республика корхона, ташкилот ва аҳолисининг кўп сонли талаб ва сўровларига мувофиқ Марказий банк маълум қилади, қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш учун қуйидаги корхоналар махсус рухсатномага эга: — Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳузуридаги Давлат ишлаб чиқариш бирлигаси; манзили: 700001, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 6. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузури-

Бухгалтерлар, сизлар учун! Юқори сифатли қоғоздан тайёрланган, нархи арзон бланка маҳсулотлар. Тўлов фармойишлари, хири ва чиқим касса ордерлари ва бошқалар-жами 15 турда. Қаттиқ муқовали 100 ғазалли дафтарлар: кассага оид; асосий; иш ҳақи ёзиладиган; муомаладаги (сальдовий); товар-моддий сўмлар бўйича муомаладаги; ўраш учун мўлжалланган - Ф. 84; ёзишга мўлжалланган - Ф А-3, А-4; шарикли рўқчалар; папка ва скоросшивателлар; ён дафтарчалар. Фирма ва кичик корхоналарнинг савдо юзасидан замқорлик қилишга таклиф этилади. Ҳақ тўлаш - пул ўтказиш ва лимитланган чеклар орқали. Манзил: Тошкент, Муқимий кўчаси, 190, "Средатехэнерго" биноси, 2-қават, 299-хона. Телефонлар: 77-94-56, 77-94-59, соат 9 дан 13 гача. Транспортлар: Ҳамза метро бекати, трамвай: 4, 9; автобус: 34, 77. Оқтепа майдони бекати.

Ўзбекистон радиоси «Машъал» бош муҳарририни шарҳловчи Эркин Тўлагановга ўқиси. Тўлаган ТўЛАГАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. «Занават» жамияти «Машъал» давлат корпорацияси жамоаси корпорациясининг маъмурий-ўзғал бошқармаси бошлиғи Сураят Маҳкамоева онаси Сора МАҲКАМОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Тошкент автомобиль-йўллар институти маъмурияти ва қасаба уюшмаси қимматбаҳо геометрия ва муҳандислик «чизгилари» кафедраси мудири Латиф Ҳалимовга волидан муқаррамолари. МОХИРА аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Санъатшунос институти жамоаси собиқ катта илмий ходим Тамилла ЙУЛДОШБЕКОВнинг вафоти муносабати билан унинг она аълолигига чуқур таъзия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖҲАРАБОВ. БУДИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Кишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маълумот 36-35-60; Ахборот 36-29-89; Туғли муҳарририят 33-10-28. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Э. Болсенов. Навбатчи — Б. Остонақулов.